

ИМПОРТ ВА ЭКСПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Хумора Аскарлова

*Жиззах политехника институти
«Бухгалтерия ҳисоби» факультети
2-курс магистранти*

Аннотация: Ушбу мақолада импорт ва экспорт операцияларининг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилган. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган валюта ҳисоб-китоблари, божхона тўловлари, солиқ мажбуриятлари ҳамда курс фарқларини ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Амалиётда учрайдиган муаммолар аниқ амалий мисол асосида таҳлил қилиниб, ҳужжатлар ўртасидаги номуаносиблик молиявий ҳисоботларга қандай салбий таъсир кўрсатиши очиқ берилган. Шунингдек, импорт ва экспорт операциялари ҳисобини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган. Мақола натижалари ташқи иқтисодий фаолият билан шугулланувчи корхоналар бухгалтерия ҳисобини юритиш амалиётида қўлланилиши мумкин.

Калит сўзлар: импорт операциялари, экспорт операциялари, ташқи иқтисодий фаолият, бухгалтерия ҳисоби, божхона тўловлари, қўшилган қиймат солиғи, валюта ҳисоб-китоблари, курс фарқлари, молиявий ҳисобот.

Кириш

Жаҳон иқтисодиётида интеграция жараёнларининг жадаллашуви натижасида ташқи иқтисодий фаолият корхоналар ривожланишининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Айниқса, импорт ва экспорт операцияларининг кенгайиши миллий иқтисодиётнинг очиклиги ва рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, ташқи иқтисодий операцияларни бухгалтерия ҳисобида тўғри, аниқ ва шаффоф акс эттириш масаласи корхоналар фаолиятида долзарб ҳисобланади. Импорт ва экспорт операциялари ички хўжалик операцияларидан фарқли равишда валюта ҳисоб-китоблари, божхона расмийлаштируви, солиқ имтиёзлари ҳамда халқаро шартномалар билан боғлиқ бўлгани сабабли мураккаб ҳисоб жараёнларини талаб қилади. Ушбу операцияларнинг нотўғри ҳисобга олиниши молиявий ҳисоботларда жиддий хатолар ҳамда солиқ рискларининг юзага келишига олиб келиши мумкин. Мазкур мақолада импорт ва

экспорт операцияларининг бухгалтерия ҳисоби назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиниб, мавжуд муаммолар аниқланади ҳамда ҳисобни такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилади.

1. Импорт операцияларининг иқтисодий мазмуни ва бухгалтерия ҳисоби

Импорт операциялари корхона томонидан чет эл контрагентларидан товар-моддий қийматликлар, ишлар ёки хизматларни харид қилиш билан боғлиқ ташқи иқтисодий муносабатларни ифодалайди. Бундай операциялар ташқи савдо шартномалари асосида амалга оширилиб, шартномада товар етказиб бериш шартлари, нарх, валюта тури ҳамда ҳисоб-китоб шакллари белгиланади. Импорт қилинган товарларнинг бухгалтерия ҳисобидаги бошланғич қиймати фақат шартнома нархи билан чекланиб қолмай, балки уларни мамлакат ҳудудига олиб кириш билан боғлиқ қўшимча харажатларни ҳам ўз ичига олади. Хусусан, транспорт ва суғурта харажатлари, божхона божи ҳамда божхона расмийлаштируви учун тўловлар товарнинг ҳақиқий таннархини шакллантиради. Товарлар импорт қилинганда импорт бўйича тўланган қўшилган қиймат солиғи товар таннархига киритилмайди (давлат божхона декларацияси тури ИМ-40 бўлган ҳолларда). Божхона тўловларини ҳисоблаб чиқариш Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади. Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятлар қийматини сўмда қайта ҳисоблаш ушбу чет эл валютасининг сўмга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган расмий курси бўйича амалга оширилади (БХМС 21, 2-боб, 9-банд). Импорт шартномалари, одатда, чет эл валютасида, асосан АҚШ долларида тузилганлиги сабабли, товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказишда ҳисоб-китоблар шу кунга амал қилган Марказий банк курси асосида амалга оширилади. Бухгалтерия ҳисобида импорт қилинган активлар уларнинг иқтисодий мазмунига қараб товар-моддий захиралар ёки асосий воситалар сифатида ҳисобга олинади. Шу билан бирга, валютада амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижасида юзага келадиган курс фарқлари корхонанинг молиявий натижаларига бевосита таъсир кўрсатади.

2. Импорт операцияларида божхона ва солиқ тўловларини ҳисобга олиш хусусиятлари

Импорт операцияларининг ажралмас қисми божхона тўловлари ва солиқ мажбуриятлари ҳисобланади. Божхона органлари томонидан товарларни расмийлаштириш жараёнида корхоналар белгиланган тартибда божхона божи, акциз солиғи (агар қўлланилса) ҳамда қўшилган қиймат солиғини тўлаш мажбуриятини олади. Божхона божи, одатда, импорт қилинаётган товар қийматининг белгиланган фоизи сифатида ҳисобланиб, унинг таннархига қўшилади. Импорт бўйича қўшилган

қиймат солиғи эса амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳисобдан чиқариш (зачёт) ҳуқуқига эга бўлган солиқ суммаси сифатида эътироф этилади. Божхона ва солиқ тизимларининг интеграциялашганлиги туфайли, божхонада тўланган ҚҚС суммаси солиқ ҳисоботларида автоматик равишда ҳисобга олинади. Импорт бўйича ҚҚСни ҳисоблаб чиқариш учун товарнинг божхона қиймати, тўланиши лозим бўлган божхона божи суммаси ҳамда акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғи суммаси йиғиндиси асос бўлади (Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси, 322-модда, 2-банд). Бухгалтерия ҳисобида божхона декларацияси импорт операцияларини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Ушбу ҳужжатда акс эттирилган маълумотлар бухгалтерия ҳисобининг ишончилигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

3. Экспорт операцияларининг бухгалтерия ҳисоби ва даромадларни тан олиш

Экспорт операциялари корхонанинг товарлар, ишлар ёки хизматларни чет эл бозорига чиқаришини англатади. Экспорт фаолияти корхона учун валюта тушумларини шакллантириш манбаи бўлиб, унинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бухгалтерия ҳисобида экспортдан олинган даромад мулк ҳуқуқи харидорга ўтган пайтда тан олинади. Агар даромад хорижий валютада ифодаланган бўлса, у амалдаги валюта курси бўйича миллий валютага қайта ҳисобланади. Экспорт операцияларида қўшилган қиймат солиғи, қоида тариқасида, нол фоиз ставкада қўлланилади. Бироқ ушбу имтиёздан фойдаланиш экспорт операцияси тегишли ҳужжатлар билан тўлиқ тасдиқланган тақдирдагина мумкин.

4. Валюта ҳисоб-китоблари ва курс фарқларининг бухгалтерия ҳисобига таъсири

Импорт ва экспорт операцияларида хорижий валютадан фойдаланиш бухгалтерия ҳисобида алоҳида эътибор талаб қилади. Валюта курсининг ўзгариши натижасида ижобий ёки салбий курс фарқлари юзага келади. Ижобий курс фарқлари корхонанинг молиявий даромадларини оширади, салбий курс фарқлари эса харажатлар сифатида ҳисобга олинади. Ушбу фарқларнинг ўз вақтида ва тўғри ҳисобга олиниши молиявий ҳисоботларнинг ишончилигини таъминлайди. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) нархлари чет эл валютасига эквивалентликда белгиланиб, ҳисоб-китоблар миллий валюта — сўмда амалга оширилган ҳолларда, хизмат кўрсатиш санасидан тўлов келиб тушган санага қадар бўлган даврда Марказий банк курси ўзгариши натижасида юзага келадиган курс фарқлари молиявий фаолиятдан даромад ёки харажат сифатида корхонанинг молиявий натижаларига олиб борилади (БХМС 21, 2-боб, 12-банд).

5. Импорт ва экспорт операцияларини ҳисобга олишдаги муаммолар

Амалиёт шуни кўрсатадики, ташқи иқтисодий операцияларни бухгалтерия ҳисобида юритиш жараёнида қатор мураккабликлар юзага келади. Жумладан, валюта курсларининг барқарор эмаслиги, божхона ҳужжатларини расмийлаштиришда йўл қўйилаётган хатолар, солиқ қонунчилигидаги тез-тез ўзгаришлар ҳамда бухгалтерия ҳисобининг етарли даражада автоматлаштирилмаганлиги ҳисоб жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу омиллар натижасида корхоналарда молиявий рисклар ортиб, молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги пасайиши мумкин. Қуйида келтирилган амалий мисолда ҳужжатлар ўртасидаги номуаносиблик ва назоратнинг етарли даражада таъминланмаганлиги қандай қилиб асоссиз қарздорлик шаклланишига ҳамда корхона учун қўшимча молиявий рискларни юзага келтириши яққол намоён этилган. Юқорида қайд этилган муаммоларни ёритиш мақсадида қуйида аниқ амалий мисол келтирилади. “IMPORT OF GOODS” МЧЖ томонидан Хитой Халқ Республикасидан товарлар импорт қилинган. Товарларнинг асл бозор қиймати 50 000 АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, сотувчи томонидан корхона доимий мижоз ҳисоблангани сабабли 8 000 АҚШ доллари миқдорида чегирма тақдим этилган ва шартнома қиймати 42 000 АҚШ доллари сифатида белгиланган. Томонлар ўртасида шартнома тузилиб, унга мувофиқ товар қиймати бўйича 100 фоиз олдиндан тўлов амалга оширилган.

Шартнома асосида товарлар ишлаб чиқарилиб, қисқа муддат ичида тайёр ҳолга келтирилган ва харидорга етказиб бериш учун жўнатилган. Товарларни ташиш бўйича алоҳида транспорт шартномаси тузилган бўлиб, сотувчи томонидан етказиб берувчига товарнинг нархи, оғирлиги ва бошқа кўрсаткичларини ўз ичига олган ҳужжатлар (CIP) тақдим этилган. Бироқ ушбу ҳужжатларда хато равишда товарнинг чегирмасиз асл қиймати, яъни 50 000 АҚШ доллари кўрсатилган.

Товарлар Ўзбекистон Республикаси чегарасига етиб келгач, етказиб берувчи томонидан божхона расмийлаштируви учун “IMPORT OF GOODS” МЧЖнинг божхона ишлари бўйича вакилига товар ҳамда сотувчидан олинган ҳужжатлар тақдим этилган. Божхона вакили корхона харид бўлимида мавжуд бўлган шартнома ва тўлов ҳужжатларига эътибор бермаган ҳолда, фақат сотувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларга асосланиб, товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказган ва божхона декларациясида товар қийматини 50 000 АҚШ доллари сифатида кўрсатган.

Натижада, ЕИСВО (импорт ва экспорт шартномаларини рўйхатга олиш ахборот тизими)да шартнома бўйича банк орқали амалга оширилган тўлов суммаси 42 000 АҚШ доллари этиб қайд этилган бўлса-да, импорт қилинган товарлар қиймати 50 000 АҚШ доллари сифатида рўйхатга олинган. Бу ҳолат корхона ҳисобида 8 000 АҚШ доллари миқдорида асоссиз кредиторлик қарздорлигининг шаклланишига олиб

келган. Аслида эса шартнома қиймати тўлиқ тўланган бўлиб, сотувчи олдида ҳеч қандай қарздорлик мавжуд эмас эди. Мазкур ҳолатда божхона декларациясини қайтадан расмийлаштириш имконияти мавжуд бўлмаганлиги сабабли, тизимда қайд этилган қарздорлик белгиланган муддат — 183 кун ичида бартараф этилмаса, “IMPORT OF GOODS” МЧЖга нисбатан молиявий жарима қўлланилиши хавфи юзага келган. Ушбу муаммо асосан сотувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги хатолар ҳамда божхона ишлари бўйича вакилнинг етарли даражада эътиборли бўлмаган ҳаракатлари натижасида вужудга келган. Муаммони бартараф этишнинг эҳтимолий йўлларида бири сифатида кейинги шартномаларда товар қийматини чегирма миқдorigа камайтириб кўрсатиш таклиф этилиши мумкин. Бироқ амалиётда бундай ёндашув ҳам тўлиқ ечим ҳисобланмайди, чунки божхона органлари товар қийматининг сунъий равишда пасайтирилганлигини инобатга олиб, қўшимча божхона қийматини белгилаши мумкин. Демак, мазкур ҳолат ташқи иқтисодий операцияларда ҳужжатларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш механизмларини кучайтириш зарурлигини яққол намоён этади.

6. Импорт ва экспорт операциялари ҳисобини такомиллаштириш йўналишлари

Импорт ва экспорт операцияларининг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- бухгалтерия ҳисобини комплекс автоматлаштириш;
- замонавий ERP ва 1C ахборот тизимларини жорий этиш;
- халқаро молиявий ҳисобот стандартларига босқичма-босқич ўтиш;
- бухгалтерия ходимларининг касбий малакасини ошириш;
- ҳужжат айланиш жараёнларини рақамлаштириш.

Хулоса

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, импорт ва экспорт операцияларининг бухгалтерия ҳисоби корхоналар молиявий фаолиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу операцияларни тўғри ва самарали ҳисобга олиш молиявий ҳисоботларнинг ишончилигини таъминлаш, солиқ рискларини камайтириш ҳамда корхонанинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Шу боис ташқи иқтисодий операциялар ҳисобини такомиллаштириш масаласи доимий илмий ва амалий эътиборни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси
2. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси
3. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари
4. International Financial Reporting Standards (IFRS)